

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ ИЛҲОМ ЖУМАҚУЛОВИЧ

КРЕДИТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии
(Doctor of Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(Doctor of Philosophy) on economical sciences**

Қурбонов Илҳом Жумақулович

Кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини
такомиллаштириш.....3

Қурбанов Илҳом Джумакулович

Совершенствование системы управления рисками кредитных организаций .27

Kurbanov Ilhom Jumakulovich

Improving the risk management system of credit institutions.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ ИЛҲОМ ЖУМАҚУЛОВИЧ

КРЕДИТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида 28.04.2016/В2016.2.1690 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Иминов Одилжон Каримович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жумаев Нодир Хосиятович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Каралиев Шербек Турабоевич иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «___»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темурашқоқ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темурашқоқ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2025 йил «___»_____куни тарқатилди.

(2025 йил «___»_____даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.Х. Атаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.Н. Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кредит ташкилотларининг рискларни бошқариш фаолиятини самарали ташкил этиш, риск сиёсатини доимий равишда такомиллаштириб бориш, риск профили тўғри аниқлаш ва риск аппетитини сифатли бошқариш, банк рискларини тўғри бошқариш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва молиявий барқарорлигини янада кўтариш, банк фаолияти учун хавф соладиган асосий рисклар тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, «2023 йилда банк активларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбати Люксембургда 693 фоиз, Швейцарияда 397 фоиз, Буюк Британияда 377 фоиз, Францияда 339 фоиз, Испанияда 292 фоизни ташкил этган. Шунингдек, банк депозитларининг ЯИМга нисбати Люксембургда 561 фоиз, Испанияда 193 фоиз, Канадада 192 фоиз, Буюк Британияда 148 фоизни ташкил этган»¹. Кредит ташкилотларида рискларни назорат қилиш қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва вазифаларини аниқ белгилаш, банк рискларининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш, банкнинг рискларни назорат қилиш узлуксизлигини таъминлаш, рискларнинг аҳамиятини аниқлаш баҳолашни тақозо этмоқда.

Жаҳонда кредит ташкилотларининг рискларни самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш ва риск-менежмент тизимини тўғри йўлга қўйиш чора-тадбирларига йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банкларда рискларни бошқаришни такомиллаштиришда концентрация рискин аниқлашда назорат қиймати сифатида хорижий валютадаги активларнинг жами активлардаги улуши, хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши, банклараро депозитларнинг жами депозитлардаги улушига нисбатан чегаралар белгилаш, ликвидлилик рискин бошқаришни такомиллаштиришда муддатли депозитларнинг, талаб қилиб олингунча маблағларнинг чиқиб кетиши ва йирик депозиторлар маблағларининг чиқиб кетишига нисбатан меъёрлар белгилашни инобатга олиш билан боғлиқ муҳим масалалар борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда банк соҳасини янада ривожлантириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банк рискларини самарали бошқариш механизмини яратиш ва уларга доимий амал қилиб боришни таъминлаш, рискларни бошқариш сиёсати ва стратегиясини шакллантиришнинг замонавий усулларида унумли фойдаланиш, банкларда пайдо бўладиган рискларни бошқаришнинг замонавий моделларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада «кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун

¹ <https://www.helgilibrary.com/indicators/bank-deposits-as-of-gdp/>

технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш»², «банк сектори назоратини такомиллаштириш ва банкларда таваккалчиликларни бошқаришнинг замонавий тизимини татбиқ этиш, таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали кредитлар ажратиш жараёнларини соддалаштириш»³ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда банкларнинг таваккалчиликларни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, банкларда рискларни бошқариш сиёсатини замон талабларига мослаштириш, риск аппетити ва риск профили сиёсатини бошқариш тизимини янада самарасини ошириш чораларини кўриш, рискларни бошқаришда ваколатлар ва мажбуриятларни аниқ белгилаш ва уларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш, банкларда рискларни бошқаришда хориж амалиётини қўллаш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “”Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 11 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Ф.Найт, Д.Жонс, М.Миллер,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармон // Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 12.05.2020 й.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармон. Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 12.05.2020 й.

Ф.Модильяни, Х.Марковиц, Ж.Халл, Д.Даймонд, Ф.Дибвиг, М.Шоулз, П.Роуз ҳамда бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган⁴.

МДХ олимларидан О.Лаврушин, В.Усоскин, Е.Стоянова, А.Альгин, И.Балабанов, Н.Куницына, Н.Хохлов, И.Бланк, Е.Стоянованинг илмий-тадқиқот ишларида учрайди⁵.

Маҳаллий иқтисодчи олимларидан О.Иминов, Ш.Абдуллаева, Б.Бердияров, Т.Бобакулов, Н.Жумаев, О.Олимжонов, Т.Каралиев, Ф.Холмаматов, Д.Нафасов, Ш.Ҳамраев, У.Саидов, А.Эшонкулов, М.Махмудовалар томонидан бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган⁶.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларда, айнан кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ қилинган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТМ-3. «Иқтисодиётни модернизация қилиш

⁴ Frank Hyneman Knight, David E. Jones. Risk, Uncertainty and Profit. Beard Books, 2002. 381 p.; Franco Modigliani and Merton H. Miller. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment. The American Economic Review. Vol. 48, No. 3 (Jun., 1958), pp. 261-297 (37 pages); Markowitz Harry M. Portfolio Selection // Journal of Finance. 1952. 7. № 1 pp. 71-91.; John C. Hull. Options, Futures, and Other Derivatives. Pearson College Div; 7th edition (July 1, 2009). 822 pages.; Douglas W. Diamond and Philip H. Dybvig. Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity. Journal of Political Economy. Vol. 91, No. 3 (Jun., 1983), pp. 401-419 (19 pages); Black, Fischer; Myron Scholes. The Pricing of Options and Corporate Liabilities (англ.) // Journal of Political Economy[англ.]: journal. — 1973. — Vol. 81, no. 3. — P. 637—654. — doi:10.1086/260062; Роуз П.С. Банковский менеджмент.—М.ДЕЛО ЛТД., 1995й., 142-бет.

⁵ О.И. Лаврушин, Н.И. Валенцева. Банковские риски. // Учебное пособие. КНОРУС. 2007. 232 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк М. 1994.; Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент. М. 1993.; Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни. — М. Мысль 1989, 192 с.; Балабанов И. Т. Банки и банковское дело. — Учебник. «Питер». 2003, 256 с; Куницына Н. Н. Экономическая динамика и риски. — М.: Экономика с.-х. и перерабатывающих предприятий, 2002. — 288 с.; Хохлов Н.В. Управление риском: Учеб. пособие для вузов. — М.: ЮНИТИДАНА, 2001. — 239 с.; Бланк И.А. Финансовый менеджмент: Учебный курс. К.: НикаЦентр, Эльга, 2001. — 528 с.; Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент: теория и практика. М. 2010. 656 с.

⁶ Иминов О.К. “Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари” и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Т., 2001. - 7 б; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002. 304 б. Б –166.; Бердияров Б.Т. “Тижорат банклари фойз сиёсатининг ликвидиликка таъсири”// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 5, 2017 йил; Бобокулов Т.И. “Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар” -Т.: Фан ва технология. 2007.-184 б.; Жумаев Н.Х. “Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш”. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 232 б.; Олимжонов О.О., Мадалиев Т.Э. “Тижорат банкининг тариф сиёсатини такомиллаштириш” // “Бозор, пул ва кредит” журналы. - Тошкент, 2012. № 7.- б. 7-10., Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.; Нафасов Д.Б. Банк рискларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 1, январь-февраль, 2017 йил. 1-9 б.; Ҳамроев Ш. Банк рискларини олдини олиш ва минималлаштириш масалалари. // "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.848 May 2023 / Volume 4 Issue 5. 1363-1372 б.; Саидов У.А. Банк рискларини бошқариш механизмлари ва уларни баҳолаш амалиёти. // Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. 1008-1012 б.; Эшонкулов А.А. Банк risklarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning oʻrni. «Yangi Oʻzbekiston: Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini joriy etishda muvaffaqiyatli 164 xalqaro tajriba» 16 dekabr, 2022 yil. 164-166 б.; Махмудова М.Қ. Тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш усулларины такомиллаштириш. и.ф.ф.д. диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2020. – 56 б.

шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналишлари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кредит институтларида рискларни бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюциясини тадқиқ этиш;

кредит институтларида рискларни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;

кредит институтлари рискларини бошқаришнинг хориж тажрибасини тадқиқ қилиш асосида мамлакат банк тизими учун зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакат банк тизимида рискларни бошқариш амалиёти жорий ҳолати таҳлилини амалга ошириш;

кредит ташкилотларида рискларни бошқаришда стресс-тест ўтказиш тартиби ва таҳлили амалга ошириш;

тижорат банкларида рискларни бошқариш амалиётига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили ишлаб чиқиш;

кредит институтларида рискларни бошқариш билан боғлиқ муаммолар таҳлилини амалга ошириш;

кредит институтларида рискларни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш истиқболлари юзасидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика банк тизими ва йирик тижорат банкларида рискларни самарали бошқариш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анализ, синтез, индукция, дедукция, диалектик ёндашув, тизимли таҳлил, сегментли таҳлил, рейтинг баҳолаш, статистика, қиёсий таҳлил ва эконометрик моделлаштириш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кредит рискинни бошқариш бўйича стресс-сценарийларни аниқлашда муаммоли кредитлар улушининг ошиши омили 2 фоиз бўлганда “барқарор сценарий”, 3 фоиз бўлганда “стрессли сценарий” ва 5 фоиз бўлганда “инқирозли сценарий” деб таснифлаш таклиф этилган;

банкларда ликвидлилик рискинни бошқаришни такомиллаштиришда муддатли депозитларнинг чиқиб кетиши 10 фоиз, талаб қилиб олингунча маблағларнинг чиқиб кетиши 15 фоиз ва йирик депозиторлар маблағларининг чиқиб кетиши 10 фоиз бўлганда “стрессли сценарий” деб таснифлаш таклиф этилган;

капитал етарлилиги рискени бошқаришни такомиллаштиришда чегаравий қиймат сифатида капитал етарлилик коэффициентини 14,1 фоиз, 1-даражали капиталнинг етарлилик коэффициентини 10,1 фоиз, 1-даражали асосий капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 8,1 фоиз ва молиявий левараж коэффициентини 7,5 фоиз этиб белгилаш таклиф этилган;

банкда концентрация рискени аниқлашда назорат қиймати сифатида хорижий валютадаги активларнинг жами активлардаги улуши 37 фоиз, хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 32 фоиз ва банклараро депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 30 фоиз этиб белгилаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

банкларда риск-аппетитини меъёрларга риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича 4 босқичли бошқариш тизими, яъни операцион назорат, жорий назорат, стратегик назорат ва мустақил назоратдан фойдаланиш таклифи амалиётда фойдаланилган;

банкда фонд рискени самарали бошқаришда битта эмитентнинг қимматли қоғозига максимал миқдордаги инвестиция 14 фоиздан юқори бўлганда “юқори риск”, 14-12,6 фоиз бўлганда “ўртача риск”, 12,6 фоиздан кам бўлганда “паст риск” этиб белгилаш ва чегара қийматини минимал 14 фоиз бўлишини таъминлаш таклифи амалиётда қўлланилган;

банкларда операцион рисклар бошқарувини такомиллаштириш мақсадида операцион рискларни бошқаришнинг 4 босқичли, яъни 1) операцион рискени аниқлаш; 2) операцион рискени баҳолаш; 3) операцион рискени мониторинг қилиш; 4) операцион рискени минималлаштириш тизимидан фойдаланиш таклифи амалиётга қабул қилинган;

банкларда умумий риск аппетити рейтинг баллидан келиб чиққан ҳолда, умумий риск даражаси 4 ва ундан кам бўлса паст риск даражаси, 4 баллдан 7 баллгача бўлса ўртача риск даражаси ва 7 баллдан юқори бўлса юқори риск даражаси этиб белгилаш таклифи банк амалиётида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотларининг расмийлиги, тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари, банкларда рискларни бошқариш фаолиятига тегишли ҳисоботлар, Марказий банк ва Статистика агентлигининг амалий маълумотларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, эконометрик таҳлилларга асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ушбу илмий тадқиқот ишидан олинган илмий таклиф ва амалий натижалардан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишда, риск-менежмент тизимини шакллантиришда ва уни самарадорлигини оширишда, банк фаолиятида рискларнинг аҳамиятини аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилашда, банкларда тизимида стресс-тест ўтказиш сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган

илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши республика банк тизимида банкларнинг стресс-тестдан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, сценарийлар бўйича стресс-тест ўтказиладиган рисклар рўйхати ва асосий риск омиллари аниқлаштиришни, шунингдек, риск аппетити ва риск профили сиёсатини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рискларни бошқаришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштиришда, мамлакатда фаолият юритаётган тижорат банклари ўзларининг рискларни бошқариш сиёсати, риск аппетити ва риск профили сиёсати, стресс-тест ўтказиш билан боғлиқ ички ҳужжатларида ҳамда банк иши мутахассисларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларида, шунингдек, Олий таълим муаассасаларида банк ишига тегишли фанларни ўқитишда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

кредит рискинни бошқариш бўйича стресс-сценарийларни аниқлашда муаммоли кредитлар улушининг ошиши омиллари “барқарор сценарий”, “стрессли сценарий” ва “инқирозли сценарий” деб таснифлаш таклифи “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг 2024 йил 25 мартдаги 63-сонли “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ тизимида стресс-тест ўтказиш сиёсати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/3421-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, банкнинг стресс-тестдан ўтказиш тизими янада такомиллашган, сценарийлар бўйича стресс-тест ўтказиладиган рисклар рўйхати ва асосий риск омиллари аниқлаштирилган. 2024 йилда банкнинг муддати ўтган брутто қарздорлиги 1408,4 млрд сўмга ёки 56,9 фоиз камайишга эришган.

банкларда ликвидлилик рискинни бошқаришни такомиллаштиришда муддатли депозитларнинг чиқиб кетиши, талаб қилиб олингунча маблағларнинг чиқиб кетиши ва йирик депозиторлар маблағларининг чиқиб кетиши 10 фоиз бўлганда “стрессли сценарий” деб таснифлаш таклифи “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг 2024 йил 25 мартдаги 63-сонли “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ тизимида стресс-тест ўтказиш сиёсати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/3421-сонли маълумотномаси). Натижада, банкнинг юқори ликвидли активларнинг барқарорлик даражаси сақлаб қолинган, банкнинг ликвидлилик кўрсаткичлари меъёрий даражаси таъминланган. Шунингдек, 2024 йилда юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати республика банк тизими кўрсаткичидан 3,2 фоиз банд юқори бўлиб 18,6 фоизни, ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти эса 65,6 фоиз банд юқори бўлиб 259,4 фоизни ташкил этган.

капитал етарлилиги рискинни бошқаришни такомиллаштиришда чегаравий қиймат сифатида капитал етарлилик коэффиценти, 1-даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти, 1-даражали асосий капиталнинг етарлилик кўрсаткичи ва молиявий левераж коэффиценти киришти таклифи “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг 2024 йил 27 мартдаги 7-сонли қарори билан тасдиқланган “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг Риск аппетити ва риск профили сиёсати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/3421-сонли маълумотномаси). Натижада, 2024 йилда банк капитали 71,1 фоиз ёки 2395,8 млрд сўмга ошган ва етарлилик коэффиценти 18,49 фоизни, 1-даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти 2,14 фоиз бандга ошиб 13,56 фоизни ва левераж коэффиценти эса 2,29 фоиз бандга ошиб, 12,69 фоизни ташкил этган.

банкда концентрация рискинни аниқлашда назорат қиймати сифатида хорижий валютадаги активларнинг жами активлардаги улуши, хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши ва банклараро депозитларнинг жами депозитлардаги улушига нисбатан чегаралар белгилаш таклифи “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг 2024 йил 27 мартдаги 7-сонли қарори билан тасдиқланган “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг Риск аппетити ва риск профили сиёсати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/3421-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, банк риск профилининг асосий кўрсаткичлари рўйхати ва уларнинг чегаралари аниқлаштирилган, баҳолаш мезонлари такомиллашган. Шунингдек, 2024 йилда хорижий валютадаги активларнинг жами активлардаги улуши 24,1 фоиз ёки 7752,4 млрд сўмни, хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 23,1 фоиз ёки 4881,5 млрд сўмни ва банклараро депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 29,1 фоиз ёки 3137,3 млрд сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттетация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 155 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Кредит институтларида рискларни бошқариш тизимининг назарий асослари ва хориж тажрибаси»** деб номланган биринчи бобида, кредит институтларида рискларни бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюцияси, кредит институтларида рискларни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва кредит институтлари рискларини бошқаришнинг хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилиниб, тегишли ҳулосалар шакллантирилган.

Хорижий ва маҳаллий олимлар рисклар, уларни самарали бошқариш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда ҳам рискларнинг моҳиятини аниқлаш, уларни самарали бошқариш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, риск ҳолати рўй берганда унинг зарарларини камайтириш йўллари тадқиқ қилиш долзарб тадқиқотлардан ҳисобланади.

Америкалик иқтисодчи Фрэнк Найт банк рискларини қуйидагича тадқиқ этган, яъни банк рисклари эҳтимолий зарарлар билан боғлиқ ҳолатлардир, аммо уларни ўлчаш ва бошқариш мумкин. Аниқ риск эҳтимолий натижалар статистик усуллар билан баҳоланиши мумкин рисклар, ноаниқ рисклар – эҳтимолий натижалар олдиндан аниқлаш қийин бўлган ҳолатлардаги рисклардир.

Нобель мукофоти соҳиби Мертон Миллер ва Франко Модильяни молиявий бозорлар ва капитал тузилмаси ҳақидаги моделлари билан машхур. Улар банк рискларини бошқаришда капитал тузилмасининг аҳамиятини ва молиявий қарорлар банкларнинг умумий риск профилига қандай таъсир қилишини таҳлил қилган

Калифорния университети профессори ва Нобель мукофоти соҳиби Харри Марковиц ўзининг “Портфель назарияси” билан банк рискларини диверсификация қилиш (яъни активлар ва инвестициялар портфелини тўғри танлаш) орқали камайтириш мумкинлигини исботлади.

Яна бир Нобель мукофоти совриндори Майрон Шоулз ва Роберт Мертон банк рискларини аниқлаш ва уларни математик моделлаштириш бўйича "Black-Scholes модели"ни яратди. Унга кўра, опцион нархи акция нархи, страйк нарх, фоиз ставкаси, муддатга боғлиқ. Ҳар қандай риск нейтрал хеджинг орқали бартараф этилиши мумкин.

П.С. Роуз рискларга кенгроқ тушунча бериб, “банк rischi олти асосий турдаги риск — кредит rischi, фойда ололмаслик rischi, ликвидлик rischi, бозор rischi, фоиз rischi, тўлай олмаслик riskидан ташкил топган бўлиб, бу рисклар банк фаолиятида жуда муҳим, ҳал қилувчи рисклар ҳисобланади. Банк

учун иккинчи даражада бўлган рискларга сиёсий риск, суиистеъмол rischi ҳамда валюта riskини киритади”.

О.И.Лаврушин томонидан “риск ҳар қандай ишлаб чиқарувчи, шу жумладан банк фаолиятининг ситуацион тавсифи бўлиб, бунда ушбу тавсиф мазкур фаолиятнинг натижасининг номаълумлигини ҳамда муваффақиятсизлик (ёки муваффақият) натижасида юз бериши мумкин бўлган салбий (ёки ижобий) оқибатларини билдиради.

Профессор В.М. Усоскин “Риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охириги ўз навбатида олдиндан кўра билиш ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади. Банклар учун капитал етарлилигини ошириш, стресс-тестлар ўтказиш ва ликвидлик riskларини камайтириш муҳим” деб изоҳлайди.

Профессор Ш.З. Абдуллаеванинг тадқиқотларида “Риск хато, иккиланиш, ноаниқлик, мавҳумлик ва ҳоказолар деб таъриф бериш халқаро амалиётга мос келмаслиги ва шу ҳолатга яқинлашган ҳолда “риск”, “банк riskи”, “кредит riskи” деб юритсак мақсадга мувофиқ” деб ҳисобланади.

Профессор Ф.Холмаматовнинг илмий тадқиқотларида “Банкларда кредит riskларини тўғри бошқариш вақтида тўланмаган кредитлар миқдорига жуда муҳим таъсир кўрсатади. Банклар кредит талабгорларининг молиявий ва бошқа маълумотларини таҳлил қиладиган ички кредит riskини баҳолаш моделларини ишлаб чиқиши мумкин”, дея таъкидлайди.

Тадқиқотчи Ш.Ҳамраев илмий изланишларида “Банк riskлари — банкларнинг молиявий фаолияти давомида турли омиллар таъсирида банк ликвидлилигининг эҳтимолий йўқотишларидир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, банк томонидан ноаниқ ахборотлардан бошқарув ёки қарорларни қабул қилишда фойдаланилиш мазкур эҳтимолий йўқотишлар даражасини оширади ва riskларни молиявий зарарлар билан алмашинувига олиб келади”, дея таъкидлайди.

Юқорида таҳлил қилинган олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, “банк riskлари” ва “банк riskларини бошқариш”га қуйидаги муаллифлик таърифини беришни лозим топдик:

банк riskлари – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ёки ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ёки банк ликвидлигини тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлигидир;

банк riskларини бошқариш — банкнинг тактик ва стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, банк операцияларини ўтказишда пайдо бўлиши мумкин бўлган riskларни ва улардан кўриладиган зарарларни аниқлаш, уларнинг салбий таъсирини камайтириш ҳамда имкон қадар зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонуннинг 61-моддасида “кредит ташкилотлари учун молиявий операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва назоратга доир

ҳисоботларни, шу жумладан йиллик ҳисоботни тузиш ҳамда тақдим этиш, таваккалчиликларини баҳолаш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш бўйича мажбурий бўлган қоидаларни” белгилаши кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 63-моддасида эса “кредит ташкилотида таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат тизими сифатини самарали ички сиёсатларнинг мавжудлиги ҳамда амалга оширилиши нуктаи назаридан баҳолаш” ва “активларни ва мажбуриятларни баҳолаш, шу жумладан уларнинг кредит ташкилотида таваккалчиликларни бошқариш бўйича Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлиги нуктаи назаридан баҳолаш учун фойдаланишга ҳақли” эканлиги таъкидланган.

Кредит ташкилотларида рискларни бошқаришнинг кейинги асосий ҳуқуқий ҳужжати 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 7-моддасида микромолия банкларига нисбатан чекловлар кўрсатилган, яъни “бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори беш миллиард сўмдан ошмаслиги” лозим.

Қонуннинг 33-моддасида эса “банк дучор бўлган ёки дучор бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар ҳақида хабардор этишнинг самарали тартиб-таомилларини (танглик вазиятининг содир бўлиши сценарийларини), операцияга оид таваккалчиликнинг ўрнини қоплаш учун ликвидликни ва капиталнинг етарлилигини баҳолаш тартиб-таомилини ҳамда таваккалчиликларни оқилона ҳамда самарали бошқаришга кўмаклашадиган ҳамда мос келадиган ходимларни мукофотлашнинг сиёсати ва усулларини белгиловчи корпоратив бошқарувнинг аниқ ифодаланган ташкилий тузилмасига эга бўлиши керак” , деб таъкидланган.

Кредит ташкилотларида рискларни бошқаришдаги кейинги асосий ҳужжатлардан бири “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низом ҳисобланади. Унга кўра, банк рискига қуйидагича таъриф берилган: “банк таваккалчилиги — банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлиги”.

Банкларда рискларни бошқариш тизимига нисбатан белгиланган меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисида” ги низомда берилган. Низомда рискларнинг турларига таъриф берилган ва хусусиятлари ҳам кўрсатилган бўлиб, кредит rischi қуйидагича таърифланган: “кредит таваккалчилиги — қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятлари шартнома ёки қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган муддат

ва (ёки) шартларда бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалоштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги”.

Базель I стандартида асосан кредит rischi ва капиталга талаблар шакллантирилган, активлар riskлилик даражаси бўйича таснифланган. Базель II стандарти эса олдинги стандартни тўлдиради, унга янги бўлган бир қатор талабларни киритади. Хусусан, банкларда юзага келиши мумкин бўлган операцион риск ва бозор riskини қамраб олади. Бундан ташқари капитал талаблари, назоарт механизми ва шаффофликни таъминлаши лозимлиги кўрсатилади. Базель III талабларида эса олдинги стандартларни тўлдирган ҳолда капитал талаблари кучайтирилади, яъни капиталнинг етарлилик даражаси оширилади, ликвидлилик стандартлари жорий қилинади. Шунингдек, фоиз ставкалари ва бозор riskини баҳолашни назарда тутати ҳамда уларни баҳолаш бўйича тартиблар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, тизимли riskлар тушунчаси ва молиявий институтларнинг устуворлиги (Too big to fail) каби янги нормалар киритилади.

1-жадвал.

JP Morgan Chase & Co. банкининг кредит rischi кўрсаткичлари динамикаси⁷, млн АҚШ доллари

№	Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
1.	Активлар	2687379	3384757	3743567	3665743	3883155
2.	Кредитлар	939582	976652	1052640	1111951	1297302
3.	Кредитларнинг активлардаги улуши, фоизда	34,96	28,85	28,12	30,33	33,41
4.	Кредитлар бўйича захира	13123	28328	16386	19726	22420
5.	Захиранинг кредитларга нисбати, фоизда	1,40	2,90	1,56	1,77	1,73

JP Morgan банкнинг кредит фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019-2023 йилларда банк жами активларининг ўртача 30 фоизи кредитларга тўғри келмоқда. Охирги уч йилда кредитларнинг улуши сезиларли даражада ортганлигини кўришимиз мумкин.

Кредит riskларини пасайтиришда энг асосий омил сифатида банкларда кредитлар бўйича ташкил этиладиган захиралар ва уларнинг етарлилик даражаси ҳисобланади. Банк фаолиятида ташкил этилган захираларнинг кескин ортиши 2020 йилга тўғри келади ва уларнинг салмоғи жами кредитларга нисбатан 2,9 фоиз (28,3 млрд сўм)ни ташкил этган. Захиралар суммаси сўнгги уч йилда ошиб борганлиги (2021 йилда 16,4 млрд 2022 йилда 19,7 млрд сўм ва 2023 йилда 22,4 млрд АҚШ доллари) банкларда кредит riskи ошганлигидан далолат беради. Бунинг асосий сабаби эса банкда ипотека кредитларининг сўнгги йилларда кескин ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

⁷ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/JPM/financials/annual/balance-sheet> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Хулоса қилиб айтганда, кредит ташкилотларида рискларни бошқариш муҳим жараён бўлиб, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари доимий равишда такомиллашиб бормоқда, рақамли иқтисодиётда ва ахборот-технологиялари даврида турли хил янги риск турлари пайдо бўлмоқда ва уларни самарали бошқариш эса банк молиявий барқарорлигининг асосий гаровидир.

Диссертация ишининг «Ўзбекистон Республикаси кредит институтларида рискларни бошқариш тизими фаолиятининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакат банк тизимида рискларни бошқариш амалиёти таҳлили, кредит ташкилотларида рискларни бошқаришда стресс-тест ўтказиш тартиби ва таҳлили ҳамда тижорат банкларида рискларни бошқариш амалиётига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили берилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилаётган сиёсати банк тизими барқарорлигини таъминлаш, унинг ликвидлилигини сақлаб туриш, юзага келиш мумкин бўлган рискларни минималлаштириш чораларини кўришга катта эътибор бермоқда. Айниқса, банкларда юзага келиш мумкин рискларни аниқлаш тизимини такомиллаштиришда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Банк назорати бўйича Базель қўмитаси билан ҳамкорликни кучайтирмоқда. Халқаро экспертларнинг тавсияларига мувофиқ, банкларда стресс-тест ўтказиш тизимини янада самаралироқ ишлашини таъминлаш учун амалий ишлар олиб борилмоқда.

Олиб борилган ислохотларнинг ижобий натижаси сифатида банк тизимида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, банк тизими активлари ўтган йилга нисбатан 18 фоизга ошиб, 2025 йил бошида 769,3 трлн сўмга етди. Банк тизими капитали ҳам 18 фоиз ўсишни қайд этиб, 114,8 трлн сўмни ташкил эди. Банклар томонидан берилган кредитларнинг ўсиши 12 фоиз (514,7 трлн сўм) кўрсаткични қайд этган бўлса, депозитлар эса 28 фоизга ўсиб, 308,7 трлн сўмлик маррани забт этди.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими активлари таркиби⁹, фоизда

Кўрсаткичлар номи	01.01.21	01.01.22	01.01.23	01.01.24	01.01.25
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	2,7	2,4	3,5	3,1	3,3
Марказий банкдаги маблағлар	5,1	7,1	6,6	5,1	4,5
Бошқа банклардаги маблағлар — резидентлар	3,6	3,0	3,1	3,7	3,8
Бошқа банклардаги маблағлар — норезидентлар	5,9	5,6	6,8	4,4	4,7
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	2,6	4,4	5,7	5,0	7,7
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	0,4	0,3	0,3	0,5	0,1

⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Кредит қўйилмалари, соф	73,8	71,1	68,1	70,2	66,9
Асосий воситалар, соф	2,3	2,5	2,6	3,0	3,2
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	2,2	2,1	2,2	3,0	3,1
Банкнинг бошқа хусусий мулклари	0,3	0,3	0,6	0,7	0,9
Бошқа активлар	1,1	1,2	0,7	1,3	1,9
Жами активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Мамлакат банк тизими активларини таркибий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, активлар диверсификация даражаси юқори эмаслигини кўриш мумкин. Бундай ҳолат банкларда активлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради, банкларда мавжуд рисклар даражасини оширади. Активларнинг мутлақ катта қисми кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келади, сўнгги беш йилда уларнинг улуши ўртача 70 фоизни ташкил этади. Бу эса банк активлари бўйича кредит рискининг баландлигидан далолат беради ва кредитларда муаммонинг пайдо бўлиши банкнинг фаолиятига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади.

3-жадвал.

**Банк тизими бўйича муаммоли кредитларнинг кўрсаткичлари¹⁰,
йил бошига млрд сўмда**

Кўрсаткичлар номи	2021	2022	2023	2024	2025
1. Жами кредитлар	276 975	326 386	390 049	471 406	533 121
шундан, Давлат улуши мавжуд банклар	244 484	280 074	324 681	333 298	366 731
Бошқа банклар	32 491	46 312	65 368	138 107	166 391
2. Муаммоли кредитлар	5 785	16 974	13 992	16 621	21 185
шундан, Давлат улуши мавжуд банклар	5 168	15 069	12 643	13 267	14 344
Бошқа банклар	617	1 905	1 349	3 354	6 841
3. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	2,10%	5,20%	3,60%	3,50%	4,00%
шундан, Давлат улуши мавжуд банклар	2,10%	5,40%	3,90%	4,00%	3,90%
Бошқа банклар	1,90%	4,10%	2,10%	2,40%	4,10%

Мазкур жадвални таҳлил қилиш асосида банк тизимида кредит рисклари даражаси бўйича хулоса бериш мумкин. Охирги беш йилликда жами кредит портфели деярли 2 мартага ошди ва 533 трлн сўмга етди. Жами кредит портфелининг катта қисми давлат улуши мавжуд тижорат банклари ҳиссасига тўғри келсада, охирги икки йилда уларнинг улуши нисбатан пасайди. Хусусан, 2021 йил бошига давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг улуши 82,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг салмоғи 68,8 фоизга қадар пасайди. Бунда асосий ўзгариш 2023 йилда кузатилган бўлиб, унинг

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

сабаби мамлакатнинг энг йирик банкларидан бири бўлган “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банкнинг чет эллик инвесторларга сотилиши бўлди.

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши кейинги беш йилда 2,1 фоиздан 4,0 фоизгача ошганлиги банк тизимида кредит рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, муаммоли кредитларнинг жами банк кредитлардаги улушининг 3 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади. Беш фоиздан ошганда эса хатарли ҳисобланади ва жиддий чоралар кўриш кераклигини аңлатади.

4-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банкида муаммоли кредитларнинг кўрсаткичлари¹¹, йил бошига млрд сўмда

Кўрсаткичлар номи	2021	2022	2023	2024	2025
Банк томонидан берилган жами кредитлар	13823	17496	20292	21801	22527
Банкнинг муаммоли кредитлари	210	749	790	1935	1915
Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	1,50%	4,30%	3,90%	8,90%	8,50%

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Бизнесни ривожлантириш банкида муаммоли кредитларнинг ҳажми ва улуши йиллар давомида ошиб борган. Банкнинг жами кредит портфели сўнгги беш йил ичида 13,8 трлн сўмдан 22,5 трлн сўмга ошган. Банк кредитлари барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бунда муаммоли кредитлар ҳажми ҳам ошиб борган. Хусусан, муаммоли кредитлар 2021 йилда 210 млрд сўм бўлса, 2025 йилга келиб 1915 млрд сўмга етган. Бунда кескин ўзгариш 2023 йилда юзага келган бўлиб, муаммоли кредитлар 790 млрд сўмдан 1935 млрд сўмга кескин ошиб кетган.

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши ҳам 1,5 фоиздан 8,5 фоизга етган бўлиб, банк учун рискларни бошқариш талабларини қатъийлаштириш сигналларини юборади.

5-жадвал.

Тижорат банкларида кредит портфели сифати ва эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган захиралар¹², млрд сўмда

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	2023	2024
Жами кредитлар	276975	326386	390049	471406	533121
Муаммоли кредитларни қоплаш учун ташкил этилган захира микдори	8062,8	12218,6	14281,7	17308,7	22625,8
Захираларнинг жами кредитларга нисбати, фоизда	2,9	3,7	3,7	3,7	4,2
Муаммоли кредитлар	5785	16974	13992	16621	21185

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Муаммоли кредитларнинг захиралар билан қопланиш даражаси, фоизда	139,4	72,0	102,1	104,1	106,8
--	-------	------	-------	-------	-------

Банкларда кредит рискларини олдини олиш ва унинг таъсирини камайтиришнинг энг самарали ва ишончли усули бу муаммоли кредитларга ташкил этиладиган захиралар ҳисобланади.

Банкларда ташкил этилган захиралар сўнгги йилларда 2,5 мартага ошган, яъни 2021 йилда 6,1 трлн сўмдан 2025 йилга келиб 22,6 трлн сўмга етган.

Захираларнинг жами кредитларга нисбатан улуши ҳам мос равишда ортиб борган ва 2,9 фоиздан 4,2 фоизга қадар ошган. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Базель кўмитаси талабларига мувофиқ, ушбу кўрсаткич 2-5 фоизни ташкил этиши лозим. Бундан кўринадики, мамлакатимизда бу кўрсаткич тавсия этилган чегараларга деярли етиб келган.

Кредит рискни стресс-тест қилиш модели стресс йўқотишларни ҳисоблашга асосланган бўлиб, уни баҳолаш учун банк қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади:

муаммоли кредитларнинг ўсиши;

кредитларни сифат категориялари бўйича қайта таснифлаш натижасида яратиладиган қўшимча захиралар миқдори;

кредит портфели сифатининг ёмонлашуви натижасида йўқотиладиган даромад миқдори.


6-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банкида кредит рискни баҳолаш бўйича стресс-тест натижалари, млрд.сўм

Кредит портфел ь прогнози	Факт NPL		Сценарийлар:		ПРОГНОЗ Муаммоли кредитлар суммаси	Сценарийла р:	Муаммоли кредитлар соғломла- шиши (камайиш и)	ПРОГНОЗ (NPLs)	
	Сумм а	Улуш и, %	Стандарт ва Субстандарт кредитларн инг NPLга ўтиши _ %	СУММА		Муаммоли кредитларн и NPLдан чикиши _ %		Сумма	Улуш и, %
22 500,3	1 935,4	8,88	1,96%	417,3	2 352,6	8,47%	578,3	2 191,6	9,74
			3,58%	551,4	2 486,8	9,22%	815,9	2 222,3	9,88
			2,10%	423,6	2 359,0	19,26%	764,4	2 018,2	8,97
Ўртачаси			2,55%	464,1	2 399,5	12,32%	719,55	2 144,5	9,53

* Кредит портфели ўтган чорак якуни, бизнес-режа ва кредит қайтиш графигидан келиб чиқиб жорий 2024 йил 1-чоракда ўртача 700 млрд.сўмга ошади деб баҳоланган.


Банклар учун кредит rischi муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда, авваламбор, уларнинг сифатига эътибор қаратиш лозим. Мамлакат қонунчилигига асосан, “қоникарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар (Non-performing loan — NPL) дейилади ва уларнинг ошиши банкларда кредит рисклари даражасини оширади.



2-расм. Мамлакат тизими ва Бизнесни ривожлантириш банки (БРБ) ликвидлилик кўрсаткичлари солиштира таҳлили¹³, фоизда

Ушбу расмдан мамлакат банк тизими ва Бизнесни ривожлантириш банкининг ликвидлилик кўрсаткичларини ўзгаришини кўришимиз мумкин.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри мамлакат банк тизими бўйича белгиланган нормадан икки баравар юқори бўлиб, Бизнесни ривожлантириш банкида кескин тебранишларни қайд этган. Хусусан, 2023 йил ҳолатига кескин ошиб кетган ва 389 фоизни ташкил этган. Соф барқарор молиялаштириш меъёри бўйича эса банкнинг кўрсаткичлари мамлакатнинг банк тизими кўрсаткичларидан катта фарқ қилмайди. Ўртача фарқланиш 5-9 фоизни ташкил этади.



3-расм. Мамлакат тизими ва Бизнесни ривожлантириш банки (БРБ)да юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати кўрсаткичининг солиштира таҳлили¹⁴, фоизда

Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати кўрсаткичининг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этиши лозим. Сўнгги

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

беш йилда банк тизимида бу кўрсаткич 14-19 фоиз атрофида бўлиб, белгиланган нормадан камида 1,5 марта юқори бўлган.

Бизнесни ривожлантириш банкида эса 2024 йил бошида 22,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2025 йилга келиб бироз пасайган ва 19,3 фоизни ташкил этган.

Банклар ўз фаолиятида риск меъёрларига амал қилишлари жуда муҳим. Рисклар меъёрлари деб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари учун белгиланган иқтисодий меъёрлар, минимал захира талаблари ҳамда банк рискларини бошқариш Қўмитаси томонидан белгиланган қўшимча меъёрлар билан эътироф этилади.

Банк ликвидлилик рискин баҳолашнинг қуйидаги услубларидан фойдаланади:

- кутилаётган ликвидлик даражасини таҳлил қилиш;
- жорий ликвидлик коэффициенти;
- ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти;
- лаҳзали ликвидлилик коэффициенти;
- соф барқарор молиялаштириш меъёрини.

7-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банкида ликвидлилик рискин баҳолаш бўйича стресс-тест

№	Сценарийлар РЎЙХАТИ	ЮЛА коэффициенти (HLA rate, min. 10%) Факт: 18,6%		Ликвидлиликни қоплаш меъёри % (LCR, min. 100%) Факт: 268,0%		Соф барқарор молиялаштириш меъёри % (NSFR, min. 100%) Факт: 107,2%	
		Ўзгариш % (+/-)	Прогноз: Стресс- ТЕСТдан кейин	Ўзгариш % (+/-)	Прогноз: Стресс- ТЕСТдан кейин	Ўзгариш % (+/-)	Прогноз: Стресс- ТЕСТдан кейин
A	1	2	3	4	5	6	7
1	Топ-30 та депозит бўйича январь ойи график тўлови (мажбурият) чиқиб кетиши**	-0,3%	18,3%	-3,1%	265,0%	-0,1%	107,1%
2	2 та йирик талаб қилиб олингунча депозитлар (ТҚО) тўлиқ чиқиб кетиши***	-2,8%	15,8%	-28,0%	240,0%	-0,9%	106,3%
3	Топ-30 депозитнинг 10%и чиқиб кетиши****	-3,5%	15,1%	-36,5%	231,6%	-2,4%	104,8%
4	ЎзТТФдан 225 млн.АҚШ доллари субординар қарз жалб қилиниши (маблағ келиб тушса)	+11,4%	30,5%	+220,7%	488,7%	+13,6%	120,8%
5	Уй-жой ипотека дастури бўйича МБнинг ЮЛАга нисбатан 2% имтиёзи тўхтатилиши	-6,2%	12,5%				
6	Банк устав капиталига 75,0 млн.АҚШ доллари ФРРУдан келиб тушган маблағ ўтказилиши					+3,2%	110,4%
7	Банк устав капиталига 1,0 трлн.сўм Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан маблағ келиши ва капиталга ўтказилиш	+4,5%	23,15%	+79,5%	347,5%	+4,9%	112,1%

Изоҳ:

** ТОП-30 депозит 2023 йил январь ойидаги график қисми 63,9 млрд.сўмни ташкил этади;


*** 2 та йирик талаб қилиб олингунча депозитлар Мажбурий ижро бюроси, ва Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлигига тегишли бўлиб, ТҚО х/р қолдиги жами 567,2 млрд сўмни ташкил этади;

****2023 йил 1 январь санасига ТОП-30 та депозитнинг 10%и 703,2 млрд.сўмни ташкил этади.

Асосий ликвидлилик кўрсаткичлари (HLA, LCR, NSFR) ўзгаришига қуйидаги сценарийлар таъсирини баҳолаш мақсадида стресс-тест ўтказилди.

Банкда ликвидлилик рискин баҳолаш бўйича стресс-тестнатияларидан келиб чиқиб, ликвидлилик рискин бошқаришни такомиллаштиришда

муддатли депозитларнинг чиқиб кетиши 10 фоиз, талаб қилиб олингунча маблағларнинг чиқиб кетиши 15 фоиз ва йирик депозиторлар маблағларининг чиқиб кетиши 10 фоиз бўлганда “стрессли сценарий” деб таснифлашни таклиф қиламиз.



4-расм. Бизнесни ривожлантириш банки капитал етарлилик кўрсаткичлари динамикаси¹⁵, фоизда

Бизнесни ривожлантириш банкида ҳам капиталнинг барча етарлилик даражалари таъминланган. Банк доимий тарзда ўз капиталини ошириш чораларини кўриб келган ва бунда давлатнинг роли ҳам муҳим ҳисобланади. Натижада 2024 йилдаги банк фаолияти яқунлари бўйича умумий капитали 4295,5 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 35,1% га ортган. Шунингдек, устав капитали 5 200,5 млрд сўмни ташкил қилган.

8-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банки капитали таркиби динамикаси¹⁶, фоизда

Кўрсаткичлар	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024	01.01.2025
I даражали капитал	75,62	76,43	78,88	86,88	73,34
Асосий капитал	75,54	76,36	78,81	86,82	73,31
Қўшимча капитал	0,08	0,07	0,06	0,06	0,03
II даражали капитал	24,38	23,57	21,12	13,12	26,66
Жами регулятив капитал	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00

Тадқиқотимиз объекти бўлган Бизнесни ривожлантириш банки капитали таркибида ҳам биринчи даражали капитал мутлақ устунлик қилади. Унинг даражаси республика банк тизимидан биров паст бўлсада, ўртача 75 фоизни ташкил қилган. Бунда қўшимча капитал улуши умумий капитал миқдорига деярли таъсир кўрсатмаган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Иккинчи даражали капитал эса сўнгги йилда 2 мартага ошган ва 26,66 фоизни ташкил қилган.

Банкда капитал рискларини баҳолашнинг қуйидаги услубларидан фойдаланади:

- капитал етарлилиги коэффиценти;
- I-даражали капитал етарлилиги коэффиценти;
- ўз капитали ҳисобига умидсиз активларни қоплаш коэффиценти;
- левераж.

Капитал rischi – хатарли активлар қайтарилмай қолганида, мижозлардан жалб қилинган маблағлардан фойдаланмаган ҳолда, банкнинг хусусий капитали эвазига етказилган зарарларни қоплаш имконияти кўзда тутилади.

Банк капитали адекватлиги ва пруденциал талаблар бажарилиши бўйича турли сценарийларда стресс-тест ўтказилди.

9-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банкида капитал адекватлигини баҳолаш бўйича стресс-тест

№	Асосий сценарийлар	Ўзгариш +/-		Стресс-ТЕСТдан кейинги ҳолат (ПРОГНОЗ)	
		Регулятив капитал монандлиги (RCAR)	1-даражали капитал адекватлиги (Tier-1 CAR)	Регулятив капитал монандлиги (RCAR)	1-даражали капитал адекватлиги (Tier-1 CAR)
1	Устав капитали 1,0 трлн.сўмга оширилиши	+ 3,26%	+4,21%	16,42%	15,65%
2	225 млн.АҚШ доллари субординар қарз жалб этилиши	+ 8,54%	-0,29%	21,70%	11,14%
3	Банк устав капитали 75 млн.АҚШ долларига оширилиши	+ 3,64%	+ 4,56%	16,79%	15,99%
4	Активлар бўйича қўшимча 500,0 млрд.сўм захира яратиш	- 1,26%	- 0,35%	11,90%	11,08%
5	Рискка тортилган активлар (RWAs) 1,0 трлн.сўмга ошиши	- 0,49%	- 0,46%	12,66%	11,89%

Рискка тортилган активларни камайитириш ва кредит портфели кескин ўсишини чеклаш мақсадида, NPL юқори бўлган филиалларга сўндирилган муаммоли кредит ҳажми доирасида кредит ажратишга рухсат бериш тизими жорий қилинди. 2023 йил давомида кредит портфели кескин ўсишини чеклаш мақсадида ва капитал адекватлигига салбий таъсирини эътиборга олиб, максимал 12 фоизга ошириш бўйича лимит ўрнатилган.

10-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банки асосий индикаторларида хорижий валютанинг улуши¹⁷, фоизда

Кўрсаткичлар номи	2020	2021	2022	2023	2024
хорижий валютадаги активларнинг жами активлардаги улуши	25,16	24,28	36,59	30,29	23,41
хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши	22,22	24,58	24,35	29,11	24,74

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик бюллетени асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

хорижий валютадаги мажбуриятларнинг жами мажбуриятлардаги улуши	30,01	27,97	43,35	33,93	27,85
хорижий валютадаги депозитларнинг жами депозитлардаги улуши	27,07	19,64	13,01	13,48	10,81

Бизнесни ривожлантириш банкида ушбу ҳолат қониқарли даражада, деб ҳулоса қилиш мумкин. Жами активларнинг ўртача 25 фоизи хорижий валютада шакллантирилган активлар ҳисобланади ва бу асосан давлат томонидан қўллаб қувватланадиган лойиҳалар учун олинган валюталар ҳисобланади. Хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши ҳам ўртача 23 фоизни ташкил этади ва бу маблағларнинг катта қисми саноат соҳасига йўналтирилган.

Шунингдек, мажбуриятлар таркибида хорижий валютада шакллантирилган ўртача 25-27 фоиз мажбурият бўлса, хорижий валютадаги депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 27 фоиздан 10,8 фоизга қадар пасайганлигини кўриш мумкин.

11-жадвал.

Бизнесни ривожлантириш банкида валюта рискин баҳолаш бўйича стресс-тест

Сценарий: 2023 йил 12 ой давомидаги курс ўзгариши (энг юқори ўсиш ва пасайиш)

№	Валюта тури	Курс валюта МБ 01.01.2024	Курс ўзгариши +/- (ўтган 12 ой давомида)		Узун ОВП бўйича Фойда / Зарар (млн.сўм)		Қисқа ОВП бўйича Фойда / Зарар (млн.сўм)	
			max.	min.	max.+/- FX	min.+/-FX	max.+/- FX	min.+/- FX
1	АҚШ доллари	12 338,77	431,86	-46,89	5 898,50	-640,41	-4 718,80	512,33
2	Евро	13 731,82	534,17	-204,60	6 555,76	-2 511,07	-5 244,61	2 008,86
3	Рубль	136,36	5,59	-6,57	6 909,67	-8 123,07	-5 527,74	6 498,46
4	БАА дирхам	3 359,50	117,58	-18,81	5 898,50	-943,76	-4 718,80	755,01
5	Хитой юани	1 736,00	59,37	-15,62	5 763,68	-1 516,76	-4 610,94	1 213,41
	Жами				31 026,10	-13 735,07	-24 820,88	10 988,06

Бундан ташқари, банк устав капиталини ошириш учун келиб тушган 75 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ миллий валютада устав капиталга ўтказилиши ҳамда 225 млн. АҚШ доллари субординар қарз жалб этилиши натижасида валюта позициясининг регулятив капиталга нисбати кўрсаткичига таъсири ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

АҚШ долларидаги валюта позициясининг регулятив капиталга нисбати 16 фоиздан юқори бўлиши прогноз қилинмоқда. Бунинг натижасида Марказий банк томонидан бир валюта позициясидаги таваккалчиликка ўрнатилган максимал 10 фоиз лимит бузилади. Бундан ташқари, барча валюталардаги таваккалчилик бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал 15 фоиз лимит ҳам бузилиши эҳтимоли мавжуд.

Тадқиқот ишининг ушбу қисмида тижорат банклари фаолияти самарадорлик даражасига таъсир этувчи омилларининг эконометрик таҳлили олиб борилган.

Боғлиқ ва мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирий статистикаси

Indikator	Kuzatuvlar soni	O'rtacha	Standart og'ish	Min	Max
LP_GDP	130	3.202	4.026	.237	51.33
PL	130	.363	.31	.474	.96
CR	130	.154	.851	0	11.93
ROA	130	3.39	3.972	.128	28.11
ROE	130	2.25	.562	0	4.65
NPL	130	.152	.235	0	2.87
CG	130	1.13	1.305	0	3.11
CP	130	.382		.457	
RONI	130	.149		0	
LTLD	130	1.35		0	
ITTL	130	2.55		1.103	
MTTC	130	.316		-2.085	

Шу билан бирга, эконометрик моделга асосланиб, қуйидаги регрессион тенгламагани ҳосил қиламиз:

$$EFA_{it} = \beta_0 + \beta_1 LP_{it} + \beta_2 PL_{it} + \beta_3 CR_{it} + \beta_4 ROA_{it} + \beta_5 ROE_{it} + \beta_6 NPL_{it} + \beta_7 CG_{it} + \beta_8 CP_{it} + \beta_9 RONI_{it} + \beta_{10} LTLD_{it} + \beta_{11} ITTL_{it} + \beta_{12} MTTC_{it} \delta_t + \varepsilon_{it}$$

Моделдан келиб чиқиб биз қуйидаги регрессион тенгламага эга бўламиз:

$$EFA = 2.467 + 0.019LP_{GDP} + 0.435PL + 0.97CR + 0.123ROA + 0.194ROE - 0.206NPL + 0.205CG - 0.125CP + 0.142RONI + 0.014LTLD - 0.421ITTL + 0.89MTTC$$

Мазкур «Pooled OLS Model» регрессияси таҳлили бўйича олинган натижалар имтиёзли кредитлаш амалиётининг қўлланилиши, яъни иқтисодиётда имтиёзли кредитлар ҳажмининг ортиши кредит фоиз ставкаларининг кўтарилишига ҳамда тижорат банклари фаолияти самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлишини кўрсатди.

Бунда, миллий валютада имтиёзли шартлар асосида ажратилган кредитлар ҳажмининг 10 фоизга ошиши тижорат банклари молиявий фаолиятининг 0,17 фоиз бандга пастга тушушига, шунингдек, кредит портфелида муаммоли кредитлар даражасининг 1 фоиз бандга пастга тушуши эса тижорат банклари молиявий фаолиятининг 0,23 фоиз бандга ўсишига сабаб бўлиши аниқланди.

Шу билан бирга, кредит портфелида муаммоли кредитлар (*NPL*) улушининг ЯИМга нисбатининг 0,01 фоиз бандга оширилиши бошқа омилларнинг ўзгаришини инобатга олмаганда хусусий секторда кредитлар ҳажми ЯИМга нисбатининг 0,3 фоиз бандга камайишига олиб келиши маълум бўлди. Фикримизча, бу ҳолат тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, мазкур таҳлил доирасида шу аниқландики, ЯИМ ўсишининг 1 фоиз бандга ортиши хусусий секторда кредитлар ҳажмининг ЯИМга нисбатини 0,12 фоиз бандга ортишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда банк амалиётида рискларни бошқаришда айрим хатарлар сақланиб қолмоқда. Айниқса, кредит rischi, валюта rischi ва капитал rischi даражалари юқорилигича қолмоқда.

Диссертация ишининг **«Кредит институтлари рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари»** деб номланган учинчи бобда кредит институтларида рискларни бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари ва кредит институтларида рискларни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш йўллари ёритилган.

Банк рискларини бошқариш – банк ўз фаолиятини юритиш ва банк операцияларини ўтказишда пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

1. Кредит институтларида энг асосий риск тури бу кредит rischi ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, жами рискларнинг 60 фоизга яқини айнан кредит riskлари ҳиссасига тўғри келади. Охирги йилларда муаммоли кредитларнинг ортиши фонида кредит rischi даражаси ортганлигини кўришимиз мумкин. Демак, кредит riskини тўғри ва самарали бошқариш орқали банк умумий барқарорликка эришиш имконига эга бўлади.

Кредит riskини минималлаштириш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилишини таклиф этамиз:

- riskни тўғри баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- риск даражасини камайтириш усуллари танлаш ва қўллаш;
- риск даражасини назорат қилиш;
- гаров предметини суғурталаш;
- riskни минималлаштириш чораларига риоя этишни назорат қилиш.

2. Рискларни бошқаришдаги кейинги асосий риск турларидан бири валюта rischi ҳисобланади. Республика банк тизими активлари ва пассивлари таркибида хорижий валюта улушининг юқори эканлиги.

Фикримизча, валюта ўтказмалари ва конверсион операциялар бўйича мижозлар талабномаларини бажариш бўйича зарур бўлган жорий ликвидликнинг таъминланиши операцияларнинг максимал ҳажмлари ҳамда очиқ форвардлик ва опцион позициялар муддатлари бўйича банкнинг контрагентлар учун тасдиқланган лимитлар доираларида очиқ валюта позицияси меъёрларига риоя қилиш асосида амалга оширилиши лозим.

3. Банкларда ликвидлилик кўрсаткичларини бир меъёрда ушлаб туриш ва ликвидлилик ҳолатини барқарор бўлишида ликвидлилик rischi даражаси асосий омил ҳисобланади. Ликвидлиликни таъминлашда банк ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олмаслик ҳолати юзага келиши мумкин. Бунда банк ноликвидлик ҳолатга тушиб қолади ва банкротлик даражасига ҳам етиб бориши мумкин.

Жорий ликвидлик етишмовчилиги рискени барқарорлаштириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- йирик корпоратив мижозлардан қисқа муддатларга депозитлар жалб қилиш;
- ички банклараро бозорда талаб этиладиган ресурсларни жалб қилиш;
- юқори даражада ликвид бўлган қиммат қоғозларни билан Репо амалиётларини амалга ошириш;
- узоқ муддатли облигацияларни муомалага чиқариш;
- халқаро молия бозорларида валюта маблағларини жалб қилиш бўйича турли операцияларни амалга ошириш ва шундан сўнг “Своп” операциясини ўтказиш.

4. Банкларда фоиз рисқи даромадлар ҳамда харажатларни ўзгаришига таъсир этувчи асосий риск тури ҳисобланади. Фоиз рисқига таъсир этувчи омиллар турли хил бўлганлиги сабабли уларни бошқаришда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Айниқса, ташқи омилларни бошқариш имконияти мавжуд эмас.

Фикримизча, фоиз рисқларини самарали бошқариш мақсадида банк эҳтимолий салбий сценарийларни (йирик депозиторлар маблағларининг чиқиб кетиши) ишлаб чиқиши, бозор фоиз ставкаларининг пасайиши ёки ўсишининг таъсири асосида, банкнинг фоизли позициясини стресс-тестдан ўтказиши лозим.

5. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг таъкидлашича, банклардаги мавжуд рисқларнинг 67 фоизи банк ички рисқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Банк ички рисқларининг асосий қисми бу операцион рисқлар ҳисобланади.

Операцион рисқни минималлаштиришнинг асосий услуби банк операциялари ва бошқа амалиётларини амалга оширишнинг таркибий тузилиши, ички қоидалари ва тартиб-таомилларини шундай ишлаб чиқиш керакки, операцион риск омилларининг пайдо бўлишига имкон берилмаслик (минималлаштириш) лозим бўлади. Айни пайтда ўтказилаётган банк операциялари ва бошқа амалиётлари бўйича ваколатларни бўлиш, тегишли ҳужжатларни тасдиқлаш(келишиш) ва ҳисобот бериш тамойилларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

6. Тижорат банклари доимий равишда ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этади, экспорт-импорт операцияларини амалга оширади, инвестицион операцияларни ўтказади, халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва амалга оширишда қатнашади. Айниқса, геосиёсий ҳолат мураккаблашган бир ҳолатда, иқтисодий инқирозлар шароитида, мамлакатларнинг суверен дефолт ҳолати, халқаро санкциялар, сиёсий нобарқарорлик юзага келганда мамлакат рисқни даражаси ортади.

7. Охириги пайтларда банкларга бўлаётган турли хил киберҳужумлар ва фирибгарлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Банклардаги кибер рисқларнинг келиб чиқишини асосий сабаблари сифатида мижозлар ўртасида киберхавфсизлик саводхонлиги даражасининг пастлиги, заиф дастурий

таъминот, маълумотларнинг ички заиф ҳимояланганлиги ва рискларни марказлашмаган ҳолда бошқарилишини келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Кредит ташкилотларида рискларни бошқариш сиёсати ва рискларни бошқариш тизимлари доимий равишда вазиятдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилиши, тўлдирилиши ва янгиланиб борилиши лозим. Бунда замонавий риск-менежментдан фойдаланиш, келажақда кутиладиган рискларни олдиндан кўра билиш ёки рискларини бошқаришда олдиндан огоҳлантириш механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш лозим.

ХУЛОСА

Кредит институтларининг рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. Ушбу соҳада тадқиқот ишларини амалга оширган олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, “банк рисклари” ва “банк рискларини бошқариш”га қуйидаги муаллифлик таърифини беришни лозим топдик:

банк рисклари – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ёки ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ёки банк ликвидлигини тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлигидир;

банк рискларини бошқариш — банкнинг тактик ва стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, банк операцияларини ўтказишда пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни ва улардан кўриладиган зарарларни аниқлаш, уларнинг салбий таъсирини камайтириш ҳамда имкон қадар зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

2. Тадқиқот натижаларига кўра, мамлакат банк тизимининг активлари диверсификация даражаси юқори эмаслиги аниқланди. Активларнинг мутлақ катта қисми кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келади, сўнгги беш йилда уларнинг улуши ўртача 70 фоизни ташкил этади. Инвестициялар сўнгги беш йилда 2,6 фоиздан 7,7 фоизга қадар ўсган. Резидент банклардаги пул маблағлари 3,0-3,8 фоиз атрофида бўлса, норезидент банклардаги пул маблағлари 2020 йилда 5,9 фоиз, 2025 йилга келиб 4,7 фоизни ташкил этмоқда.

3. Мамлакат банк тизимида кредит рисклари даражаси ва муаммоли кредитлар миқдори ошиб бораётганлиги аниқланди. Муаммоли кредитларнинг суммаси 2021 йилда жами 5,8 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 21,2 трлн сўмга етган ва ўсиш 366,2 фоизни ташкил этган. Муаммоли кредитларда давлат улуши бор тижорат банкларининг салмоғи 2021 йилда 89,3 фоизни ташкил этиб, 2025 йилда эса 67,7 фоизга қадар пасайган. Бошқа банкларнинг муаммоли кредитлари қисқа вақт ичида 11,1 мартага ошган, яъни 2021 йил бошига 617 млрд сўмдан 2025 йилга келиб 6,8 трлн сўмга етган.

4. Бизнесни ривожлантириш банкининг валюта рискин ва фоиз рискин стресс-тест қилиш орқали қуйидаги таклиф асосланди: банкда концентрация

рискини аниқлашда назорат қиймати сифатида хорижий валютадаги активларнинг жами активлардаги улуши 37 фоиз, хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 32 фоиз ва банклараро депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 30 фоиз этиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

5. Кредит ташкилотларида рискларни бошқариш сиёсати ва рискларни бошқариш тизимлари доимий равишда вазиятдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилиши, тўлдирилиши ва янгиланиб борилиши лозим. Бунда замонавий риск-менежментдан фойдаланиш, келажакда кутиладиган рискларни олдиндан кўра билиш ёки рискларини бошқаришда олдиндан огоҳлантириш механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш лозим.

6. Банкларда рискларни самарали бошқариш бўйича ишлаб чиқилган эконометрик моделда миллий валютада имтиёзли шартлар асосида ажратилган кредитлар ҳажмининг 10 фоизга ошиши тижорат банклари молиявий фаолиятининг 0,17 фоиз бандга пастга тушушига, шунингдек, кредит портфелида муаммоли кредитлар даражасининг 1 фоиз бандга пастга тушуши эса тижорат банклари молиявий фаолиятининг 0,23 фоиз бандга ўсишига сабаб бўлиши аниқланди.

7. Кредит портфелида муаммоли кредитлар (NPL) улушининг ЯИМга нисбатининг 0,01 фоиз бандга оширилиши бошқа омилларнинг ўзгаришини инобатга олмаганда хусусий секторда кредитлар ҳажми ЯИМга нисбатининг 0,3 фоиз бандга камайишига олиб келиши маълум бўлди. Шунингдек, мазкур таҳлил доирасида шу аниқландики, ЯИМ ўсишининг 1 фоиз бандга ортиши хусусий секторда кредитлар ҳажмининг ЯИМга нисбатини 0,12 фоиз бандга ортишини таъминлайди.

8. Кредит ташкилотларида рискларни бошқариш сиёсати ва рискларни бошқариш тизимлари доимий равишда вазиятдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилиши, тўлдирилиши ва янгиланиб борилиши лозим. Бунда замонавий риск-менежментдан фойдаланиш, келажакда кутиладиган рискларни олдиндан кўра билиш ёки рискларини бошқаришда олдиндан огоҳлантириш механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; Part I)

1. Kurbanov I.J. Ensuring Effective Operation of Risk Management Methodology in Credit Institutions and its Analysis. // European Journal of Business Startups and Open Society. Vol. 5 No. 5 (May - 2025). – Pp. 155-161. (08.00.00 №11 ResearchBib).

2. Курбонов И.Ж. Тижорат банкларида рискларни камайитириш орқали банк фаолияти самарадорлигини таъминлаш: назария ва амалиёт // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали, 2025. 2-сон. – Б. 1-9. (08.00.00 №19).

3. Курбонов И.Ж. Банкларда ликвидлилик таваккалчиликларини баҳолаш ва бошқариш услубларини такомиллаштириш // «Рақамли иқтисодиёт» илмий электрон журнали, 2025. 11-сон. – Б. 790-800. (08.00.00).

4. Курбонов И.Ж. «Карта риска» как механизм управления рисками коммерческого банка // “Иқтисодиётда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш ва инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция, Банк-молия академияси, 21 октябрь, 2016. – С. 100-105.

5. Курбонов И.Ж. Интегрирование «Системы сбалансированных показателей» в политику управления рисками коммерческого банка // Выездная сессия юбилейной международной научно-практической конференции «XXX Международные Плехановские чтения» в г.Ташкенте. 2-3 февраль, 2017. – С. 61-67.

6. Курбонов И.Ж. Исторические сценарии в проведении стресс-тестирования банковских учреждений // “Ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ресур базасини мустаҳкамлаш-иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси, Банк-молия академияси, 20 май, 2016. – Б. 157-163.

7. Курбонов И.Ж. Стресс-тестирование в управлении рисками кредитных учреждений // “Ўзбекистон Республикасида инновация-инвестиция фаолиятини янада такомиллаштиришда банк-молия секторининг иштирокини кенгайтириш” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси, 2015. – Б. 9-15.

II бўлим (II часть; Part II)

8. Курбонов И.Ж. Стресс-тестирование как современный метод управления рисками в коммерческих банках: опыт США // “Бозор, пул, кредит” журнали, 2015. 7-сон. – Б. 16-25.

9. Курбонов И.Ж. Использование исторических сценариев в проведении стресс-тестирования банковских учреждений // “Бозор, пул, кредит” журнали, 2015. 10-сон. – Б. 32-43

10. Курбонов И.Ж. «Карта риска» как механизм управления рисками коммерческого банка // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнал, 2017. 6-сон. – Б. 28-39

11. Қурбонов И.Ж. Моделлаштириш ва банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш // “Биржа” газетаси, 81(1184), 2010 йил 22 июнь. – Б. 7-9.

12. Курбонов И.Ж. Международная практика управления рисками кредитно-финансовых институтов: стресс-тестирование // “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби/Налогообложение и бухгалтерский учет” журнали. 6,7-сонлар (96,97), 2014 йил. – С. 19-28.

Автореферат «IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тахрирдан ўтказилди

Босишга рухсат этилди: 27.01.2025 йил.
Бичими 60x84 1/16, «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,2. Адади: 100. Буюртма: №.153

«DAVR MATBUOT SAVDO» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
100198, Тошкент, Қўйлик, 4-мавзе, 46.